В настоящее время частота использования слова *муаллим* по-прежнему невысока. Слово больше прижилось в художественном стиле. Исходя из этого, частоту использования лексемы *муаллим* в узбекском литературном языке можно оценить как «средняя».

В современном арабском языке слова *мударрис* и *муаллим* употребляются по отношению к педагогам среднего и высшего образования:

المدرس او المعلم هو الذى يعلم فى المدرسة او المعهد العلمى و الأدبى و من خلاله يتم شخصيات  
[al mudarrisu au al mu'allimu hua al laḍi: ʔu'allimu fi:l madrasati au al  
ma'hadil 'ilmijj ual 'adabijj ua min ḥila:lihi jatimmu šaḥṣijja:tin 'abna:'al uatani]–  
*преподаватель, учитель—это,обучающий в школе или научно-культурном институте, посредством которого дети страны становятся личностями*<sup>22</sup>.

**Олим**—«знающий, мудрый; образованный». Человек обладающий специальными знаниями в какой либо области науки. Лексема **олим** послужила основой для построения следующих слов: **олимларча** – относящийся к ученым; **олимлик** – действия характерные ученым; **олимнамо** – выглядит, как ученый. **олимона** – подобно ученому (ТСУЯ,III,114).

**Таълимот** а. –форма множественного числа от слова *таълим* (образование): инструкции, указы, приказы. Научные взгляды, комплекс теоретических выводов, теория в области науки, общественной жизни, общества и т.д (ТСУЯ,IV,28).

В процессе словообразования от корня *علم* *илм* в узбекском языке участвовали 4 однокоренные лексемы. Слова *илм* и *таълим* (наука и образование) активно использовались в узбекском языке и в результате их сочетания и активного употребления с разными словами получили семантическое развитие.

В параграфе “Полисемия и омонимия арабизмов сферы образования” на примере слов *модда, давлат, даража* описываются омонимы сферы образования. Рассматриваются основные изменения в семантике арабизмов сферы образования, определяются процессом полисемией.

Во втором параграфе анализированы семантика синонимичных рядов. Например, *муассаса – ташкилот – ўқув юрти* (учреждение-организация-учебное заведение) образует сему место, для получения образования и состоит из словосочетаний, образованных путем их соединения. Лексемы *муассаса* и *ташкилот* являются арабскими и отличаются определением значений семы “место, для обучения”. Во-первых, лексема *муассаса* является активной по употреблению в сфере образования. Также, лексема *ташкилот* отличается широким семантическим объемом в отличии от лексемы *муассаса*. Если в лексеме *муассаса* преобладают семы “место”, “адрес”, то в лексеме *ташкилот* главенствуют семы “организация”, “общество”, “структура”. В новом издании закона “Об образовании” наблюдается

<sup>22</sup> ويكيبيديا (الموسوعة الحرة)

широкое применение слова *ташкилот*, в отличии от *муассаса*. Синонимия встречается также среди арабизмов и единиц из других языков.

В параграфе “*Тезаурус лексем сферы образования*” арабизмы сферы образования проанализированы в гиперо-гипонимических, иерархических, партонимических отношениях, в полисемии, синонимии, в составе тезауруса.

*Тезаурус* (thesaurus) происходит от греческого языка и означает «сокровище». В настоящее время существует несколько проявлений тезауруса на мировых языках. Самый популярный из них - англоязычный тезаурус WordNet<sup>23</sup>. Ряд форм и семантика, упомянутый в предыдущих главах третьей главы нашего исследования, процессы в семантике лексемы отражены в систематически запрограммированной форме в компьютерных словарях, называемых *тезаурусом*. Поэтому тезаурусы играют важную роль в лингвистических исследованиях, особенно при анализе понятий лексемной семантики, семемы, семы, валентности.

Слова в тезаурусе расположены не по алфавиту, а по тематическим группам. Тезаурус - это информационная система о словах и различных связях (отношениях) между ними и лексемами, лексическими единицами и словосочетаниями, образованными из этих слов.

Мы упоминали, что словарная база данных WordNet состоит из синонимичных строк, называемых синсетамы, которые объединяют слова на основе семантических членов. Мы освещаем синсетический тезаурус образовательной системы с помощью следующих активно используемых синонимов:

### *Дарс - сабоқ –таълим –таҳсил*

#### **Дарс-урок**

1.Связь слова или языковой единицы с морфологией и синтаксисом: существительное (однородное)

2. Произношение: дарс-урок

3. Семантическая структура:

А) *Первоначальное значение слова*: Наука, учебные занятия в учебных заведениях, уроки:

Переносное значение: Полученный для будущего полезный жизненный результат, образец, урок. В этом значении использование данного слова в арабском языке не наблюдается: درس [dars] 1) урок; 2) лекция<sup>24</sup>.

Б) синоним: урок-обучение-учеба

В) пароними: *дарз-трещина* [ф.« шрам; узкая трещина] *трещина, место трещины*;

*дарз-трещина* [ф.« шрам; узкая трещина] *трещина, место трещины*;

Е) гипероним: *таълим жараёни (процесс обучения)*

Ж) гипоним: *маъруза (лекция), амалий машгулот (практическое занятие), семинар, лаборатория.*

<sup>23</sup>Thye Global WordNet Assoiation <http://global.wordnet.org/wordnets-in-thye-word>.

<sup>24</sup>Баранов. Х.К. Арабско-русский словарь. – М., 1962. –С.317.

4. Слова со схожим значением: *дарслик* (учебник), *дарсхона* (класс), *дарс бермоқ* (обучать), *дарс ўтмоқ* (проводить урок), *дарс олмоқ* (брать урок).

5. Этимология: арабский *درس* *сабоқ* (урок)

6. Применение во фразеологии: *шайтонга дарс бермоқ* (преподать дьяволу урок; хитрый, коварный)

Использование в составе словосочетаний: *очиқ дарс* (открытый урок), *анъанавий дарс* (традиционный урок), *ноанъанавий дарс* (не традиционный урок).

7. Использование на других языках: на русском: *урок*, на английском: *lesson*

В работе к слову *дарс* приведены тезаурус к словам *сабоқ – таълим – таҳсил*.

Каждая лексема в синонимическом ряду *сабоқ – таълим – таҳсил* соединяясь с глаголами *бермоқ, олмоқ, кўрмоқ*, образует в узбекском языке составные глаголы. Образование глагола методом композиции хоть и является одинаковым для всех трех лексем, лексем различаются особенностью соединения с тем или иным глаголом. Здесь соединения лексем *сабоқ, таълим* отличаются общностью: *сабоқ+олмоқ; сабоқ+бермоқ; таълим+олмоқ; таълим бермоқ* (получать образование-преподавать). А лексема *таҳсил* не используется в соединении с глаголом *бермоқ*, а в соединении с глаголами *олмоқ, кўрмоқ*, образует составной глагол: *таҳсил+олмоқ; таҳсил + кўрмоқ* (учиться, получать образование).

В нашем исследовании мы добавили лингвистическое обеспечение тезауруса арабизмов сферы образования.

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Лексика системы образования узбекского языка включает в себя свой лексический фонд и единицы заимствованного слоя.

Определенную часть заимствованных лексем составляют арабизмы. На основании анализа лексико-семантических особенностей арабизмов сферы образования можно сделать следующие общие выводы.

1. Причины заимствований арабизмов в узбекский язык и факторы применения их в различных сферах описаны во многих исследованиях. Анализ показывает, что арабизмы осваивались в течение длительного исторического периода, шаг за шагом, систематизировано, используя различные цели и методы. В первую очередь, в процессе заимствования арабизмов выделяются политические, экономические, социальные и культурные факторы.

Отношение к использованию арабизмов со временем изменилось, особенно в начале XX века. Была выдвинута идея замены этих лексем тюркской альтернативой или современными элементами других языков.

В результате динамического развития арабизмов сферы образования, ряд лексем вышли из употребления. Некоторые понятия были заменены новыми лексемами. В связи с освоением арабизмов в лексическом составе узбекского языка, в годы независимости они считались своим лексическим пластом, в

отличии от русско-интернациональных слов. Таким образом, использование арабизмов расширилось и вышедшие из употребления слова, вновь были внедрены в словарный состав узбекского языка. Это отразилось и в развитии арабизмов сферы образования.

Сегодня же, процесс заимствования арабизмов сферы образования не наблюдается.

2. В узбекский язык было заимствовано много арабских масдаров, причастий, названий места и времени. Все они считаются именами и имеют категории падежа и личности. Лексемы, образованные путем внутренней флексии, служат для освещения понятий сферы образования.

3. Арабизмы сферы образования, различаются по объему и области применения. Наиболее активно употребляемые арабизмы - это лексемы, широко использовавшиеся в историческом развитии узбекского языка. Арабизмы сферы образования Узбекистана - это лексические единицы, прошедшие определенные исторические процессы в структуре словарного состава узбекского языка. Таким образом, арабизмы сферы образования отражают семантику, заложенную в развитии узбекского языка.

4. Арабизмы сферы образования состоят из лексем, принадлежащих к разным семантическим группам. Изучение языковых единиц на основе лексико-семантической группы играет важную роль в освещении взаимосвязи между лексемами, анализе семантических процессов, изменений значения, лексико-семантических отношений, определении функциональной ценности слов. В классификации, проведенной в нашей работе, наибольшее количество слов составили лексемы сферы образования и общеупотребительные слова.

Ряд арабизмов наряду с понятиями общеупотребительных слов, выражают понятия сферы образования. А некоторые арабизмы адаптированы для выражения понятий, связанных только со сферой образования, представляя относительно узкую семантическую шкалу. Хотя некоторые лексемы являются общими для выражения понятий сферы образования, некоторые единицы относятся только к определенной форме этапов обучения.

В семантике арабизмов этой группы, наблюдаются два положения: адаптация общеупотребительных слов в лексический состав сферы образования и переход терминов сферы образования в общеупотребительную лексику. Проведенный нами анализ показал, что наблюдается частое употребление общеупотребительных слов в лексике сферы образования.

5. Хотя и арабизмы относительно многочисленны, они все-таки подчиняются законам семантического развития во время их активного использования в узбекском языке и приспособлены для выражения переносных значений. Прежде всего, следует отметить, что арабизмы используются в ином лексическом значении. Хотя и наблюдается взаимосвязь лексического и терминологического значений арабизмов, следует отметить, что их производные значения появились именно в

узбекском языке. Следовательно, арабизмы сферы образования необходимо рассматривать, как продукт семантического развития лексики узбекского языка и что ряд сем в семантике лексемы, относятся к семантическому развитию узбекского языка.

Анализ арабизмов сферы образования дает достоверную информацию о семантическом развитии арабских лексических единиц, их применении в новых значениях.

6. Арабизмы сферы образования, вступают в формально-семантические отношения в своем и чужом терминологическом пласте. В арабизмах формальная парадигма проявляется между однокоренными словами и омонимами, основанными на консонантизме, присущему арабскому языку. Основанные на консонантизме однокоренные слова, определяют природу флективности арабского языка и особенности консонантного языка. Однокоренные арабизмы отличаются количеством ряда лексем, семантическими возможностями, участием в словообразовании, областью применения и частотой использования. Омонимия, сформированная на основе семантического развития арабизмов, указывает на адаптированность арабских лексем к семантической природе узбекского языка. Анализ формальных и семантических отношений между арабизмами важен при выяснении семантики лексемы, при определении семантического развития, при анализе лексико-семантических процессов.

7. Семантический анализ лексем имеет особое значение при изучении арабизмов. Независимо от того, являются ли арабизмы однозначными или многозначными, определение расширения или сужения значений, разделение сем, ориентация на формирование новых сем, анализ семантических изменений, все это служит определением уровня законов лексического развития узбекского языка.

8. Лексика узбекского языка имеет свою специфичную семантическую систему и при их освещении огромную роль играют тезаурусы, современные компьютерные словари.

Тезаурусы основаны на определении основного и переносного значения лексем, признака омонимии, синонимии, антонимии, паронимии, значения лексем в составе фразеологизмов, этимологии и их переводу. Тезаурус арабизмов сферы образования послужит основой для выражения роли арабских лексем в узбекском языке, для проведения анализа формально-семантических отношений, указания связи между значениями, образующими семантическое содержание, развития основного и переносного значений. Также способствуют формированию семантики арабских лексем, соотносительности семантики арабских лексем узбекскому языку, его особенностей и адаптации заимствованных слов с семантическими особенностями исконных слов.

Особую роль в тезаурусах играют составные слова в форме лексемы, фраземы, с освещением семантического развития, сужения и расширения значений, контекстуальные значения и валентности. Тезаурус имеет особое

значение на лексическом уровне, как база данных, отражающая лексическое богатство языка, описывающая семантическое содержание лексемы и объединяющая ряд лексем в единую семантическую систему.

9. Ряд синонимии сферы образования показывает, что арабизмы находятся в синонимичных отношениях друг с другом и с другими языковыми единицами. Арабизмы, составляющие синонимичную линию, играют важную роль в оценке понятий и выражения ее в стилистической окраске и индивидуальном виде.

10. Тезаурус является важным в освещении соотношения гиперонимов с гипонимами лексем сферы образования и их партонимических и иерархических отношений. Гиперонимо-гипонимические отношения лексем выражают гендерные отношения, определяя степень выражения от общего к частному. В то время, как партонимические отношения выделяют отношения целых на части, иерархические отношения основаны на уровневой семантике. Лингвистические отношения между лексемами играют особую роль в освещении структурной особенности семантики лексем, места использования слов и определении частотности.

Тезаурус лексем сферы образования играет важную роль в освоении понятий и при переводе текста.



**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАШИДОВА НАРГИЗА БАХТИЯРОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АРАБИЗМЛАРНИНГ  
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАШИДОВА НАРГИЗА БАХТИЯРОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АРАБИЗМЛАРНИНГ  
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ**

**10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик  
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.3.PhD/Fil 603 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдирашидов Зайнабиддин Шарабиддинович**  
ф.ф.д. (DSc), доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Мухтаров Тимур Аскадович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Саидирахимова Насиба Сайидмахамадовна**  
доцент филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)); e-mail: [monitoring@navoiy-uni.uz](mailto:monitoring@navoiy-uni.uz).)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103.Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.С.Сирожидинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.У.Пардаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

**С.Х.Мухамедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида қардош бўлмаган тилларни чоғиштириш, тарихий лексикология, лексик сатҳ тараққиёти ва лексик-семантик аспектда таҳлил қилишга доир изланишлар олиб борилмоқда. Ўзлашган қатлам лексикасини этимологик жиҳатдан таҳлил қилиш, семантик ўзгаришларни аниқлаш, кўчма маъноларнинг эмоционал-экспрессив, аккумулятив функцияларини ёритиш, денотатив ва прагматик маънолар ўртасидаги муносабатни изоҳлаш, асос тил хусусиятлари ва қабул қилувчи тил имкониятларини ифода этиш даражасини аниқлаш долзарбдир.

Дунё тилшунослигида кейинги йилларда яратилган тадқиқотларнинг маълум қисми ўзлашган қатлам сўзларининг семантик таҳлиliga, когнитив, прагматик хусусиятларини ёритишга қаратилган. Бугунги кунда ҳар бир тил дунё лингвистик тизимида ўз ўрнига эга ва тилларнинг мавқеини белгилашда лексик сатҳ, унинг имкониятлари, олам манзарасини ва шахс омилини акс эттириш даражаси таҳлили амалий қиймат касб этади. Тилнинг мавқеи ва нуфузини белгилашда тарихий тараққиётини ёритиш, ҳозирги луғат фонди қатламларини, ўз ва ўзлашган қатлам нисбатини белгилаш, ўзлашган лексемаларнинг тил таркибидаги семантик тараққиётини, истеъмол доираси кенгайиши, қўлланиш частотасининг ортиб бориши, туб сўзларнинг истеъмолдан чиқиш жараёнларини изоҳлаш аҳамиятлидир.

Мустақилликнинг сўнгги йилларида ўзбек тилини ички имкониятлар ҳисобига бойитиш, тарихий даврларда истеъмолда бўлган ўз қатлам сўзларини тиклаш, узоқ муддат истеъмолда бўлган ўзлашмаларни оммалаштириш, рус-байналмилал сўзларига муқобил сифатида қўллашга эътибор қаратилмоқда. “Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни, она ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз керак”<sup>25</sup>. Ўзбек тили луғат фондининг маълум қисмини араб тилидан ўзлашган лексик бирликлар – арабизмлар ташкил қилади. Арабизмлар барча ижтимоий соҳаларда кузатилади ва VIII асрдан бошлаб дастлаб коммуникатив, кейинчалик эмоционал-экспрессив, аккумулятив функцияларни бажариб келмоқда. Арабизмлар фаол қўлланаётган ижтимоий соҳалардан бири – таълим тизимидир. Ўзбекистон таълим тизими бугунги кунда ўзининг хусусий тараққиёт моделига эга экан, бу тизимга оид тушунчалар шаклланишида ва ривожда арабизмлар ўзига хос функционал қийматга эгадир. Таълим тизимидаги арабизмларнинг функционал доирасини ўрганиш, луғавий маъно тараққиёти, араб тилидаги маъноси, семантик хусусиятларини таҳлил қилиш, ўзбек тили луғат фондидаги қийматини белгилаш, коммуникатив, эмоционал-экспрессив,

---

<sup>25</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқи. – Ҳалқ сўзи / <https://xs.uz/uzkr/post/til-millat-kozgusi>

аккумулятив функцияларини изоҳлаш ўзбек тили лексик-семантик сатҳи тараққиёти ва синхрон хусусиятлари учун муҳим хулосалар бериши билан қийматлидир.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрда қабул қилинган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек тилшунослигида ўз ва ўзлашган қатлам масаласи, арабизмларнинг ўзлашиши, семантик хусусиятлари А.К.Боровков, А.М.Шчербак, Х.Дониёров, А.Рустамов, Э.Фозилов, Б.Бафоев, С.Аширбоев, А.Каримов, Ҳ.Дадабоев, З.Ҳамидов, И.Носиров ва бошқалар тадқиқотларида таҳлил этилган<sup>26</sup>. Арабизмларнинг ўзбек тили сўз ясалиш жараёнидаги иштироки ўрганилган<sup>27</sup>. Ўзбек тилшунослигида арабизмлар таҳлили кўпроқ Алишер Навоий асарларини лингвистик тадқиқ этиш жараёнида умумий планда амалга оширилган<sup>28</sup>.

---

<sup>26</sup> Дадабаев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке. Дисс... канд. филол. наук.-Т.,1981; Бегматов Э. Ўзбек тили тарихий лексикологияси.-Т.: Фан,1981; Бегматов Э.А. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари.-Т.: Фан, 1985; Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари.-Т.:Ўқитувчи, 1996; Абдурахмонов Ғ. Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши ҳақида.-Т.: Ўзбекистон, 1999; Дадабоев Х., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи.-Т.: Фан, 2007.-156 б.

<sup>27</sup> Ҳасанова Д. Арабча луғавий ўзлашмаларнинг ўзбек тили номинатив ва дериватив тизимидаги ўрни. Филол. фан.ном....дисс.-Т.,2011.

<sup>28</sup> Дониёров Х. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1972; Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы «Фархад и Ширин»: Дис...канд.филол.наук. - Т., 1973; Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка «Лисан ат-тайр» Алишера Навои: Дисс...канд.филол.наук. - Т., 1982; Рустамов А. Фонетико-морфологические особенности языка Алишера Навои. Докт.дисс...филол.наук. Ташкент, 1986; Фозилов Э. Қадимги обидалар ва Алишер Навоий тили. - Т.: Фан, 1969; Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навои: дисс...докт.филол.наук. - Т., 1989; Насыров И. Лексика «Маджалис ун-нафаис» Алишера Навои: дисс...канд.филол.наук. - Т., 1980 ва б.

Навоий асарларидаги арабизмлар монографик аспектда ўрганилган<sup>29</sup>. Ҳозирги ўзбек тилининг луғавий қатламлари, лексик-грамматик хусусиятларига доир изланишларда арабизмларнинг ўзлашиш тараққиёти ва семантикаси ёритилган. Таълим жараёнидаги арабизмларнинг лексик-семантик хусусиятлари монографик планда тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Тилнинг ижтимоий, тарихий ва замонавий тараққиёти” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тилидаги таълим тизимига хос арабизмларнинг лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш, соҳа терминлари сифатидаги қўлланиш даражасини аниқлаш, араб тили ва ўзбек тили луғат фонди таркибидаги семантик тараққиёт хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек тилидаги таълимга оид арабизмларнинг ўзлашиш омилларини ёритиш;

ўзбек тилидаги таълимга оид арабизмларнинг лингвостатистик таҳлилини амалга ошириш;

таълимга оид арабизмларни лексик-семантик жиҳатдан тасниф қилиш;

таълим соҳасидаги арабизмларнинг бу соҳа терминлари сифатидаги коммуникатив функциясини белгилаш;

мулоқот жараёнидаги коннотатив маънолари ва прагматик функцияларини очиб бериш;

таълимга оид арабизмларнинг семантик тараққиётидаги ўзгаришларни асослаш ва арабизмлар семантикасидаги ёндош маъноларнинг шаклланиши, семалар тараққиётини изоҳлаш;

таълимга оид арабизмларни ўзақдошлик қаторлари кесимида таҳлил қилиш, ўзақдошлик қаторлари узвлари семантикасини ёритиш ва сўз ясаиш тизимидаги ўрнини очиб бериш;

таълимга оид матнлар тезауруси учун лингвистик таъминот яратиш.

**Тадқиқотнинг объектини** 5 жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, Ўзбекистон таълим тизимига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар матнидаги арабизмлар, арабизмларнинг араб тилидаги луғавий маънолари изоҳланган луғатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** Ўзбекистон таълим тизимида қўлланаётган арабизмларнинг лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш, лексемалар

---

<sup>29</sup>Нишанов А. Фонетико-морфологический и лексико-семантический анализ арабизмов в языке Наваи. Канд.дисс...филол.наук. - Ташкент, 1990; Тожибоева М. Алишер Навоийнинг “Илк девон”идаги арабча сўзларнинг лексик-семантик талқини. Филол. фан.ном....дисс.-Т.,2011.

семантикасидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш, араб тили ва ўзбек тилидаги маънолари нисбатини белгилаш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қиёсий-тарихий метод, компонент таҳлил методи, моделлаштириш ва концептуал жадвал усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилидаги таълим соҳасига оид арабизмларнинг ўзлашиш омиллари илк бор монографик планда аниқланган ва ўзбек тили таълим соҳасидаги арабизмларнинг лексик-семантик жихатлари ҳамда лингвостатистик хусусиятлари очиб берилган;

таълимга оид арабизмларнинг лексик-семантик таснифи, арабизмларнинг таълим соҳаси терминлари сифатидаги коммуникатив функцияси белгиланган, уларнинг мулоқот жараёнидаги деннотатив ва коннотатив маънолари, уларнинг қўлланилишида ойдинлашувчи прагматик вазибалари кўрсатилиб, арабизмларнинг семантик тараққиётидаги ўзгаришлари асосланган;

арабизмлар семантикасидаги аслий ва ёндош маъноларнинг шаклланиши аниқланган, семалар тараққиёти изоҳланган, таълимга оид арабизмлар ўзакдошлик қаторлари кесимида берилиб, ўзакдошлик қаторлари узвлари семантикаси очиб берилган ва уларнинг сўз ясаиш тизимидаги функционал ўрни далилланган;

таълим соҳасидаги арабизмлар тезауруси учун тематик гуруҳларга ажратилган муайян лексик бирликлар ҳамда уларнинг семантик ва лексикологик жихатдан дифференцияларини аниқлаш каби имкониятларга эга маълумотлар базаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сўз ўзлаштириш жараёнининг лингвистик ва экстралингвистик омиллари таҳлил қилинган, таълим тизимида оид арабизмларга давр нуқтаи назаридан баҳо берилган;

ўзлашма сўзлар семантикасидаги ўзгаришлар таълим тизимида оид арабизмлар мисолида кўрсатиб берилган, лексеманинг асос тил ва ўзлаштирувчи тилдаги маъно муносабатлари изоҳланган;

лексема мундарижасидаги семантик тараққиёт, семема таркибидаги семалар миқдори, умумлаштирувчи ва фарқловчи семалар **баҳага-тортилган**;

таълим тизимида хос арабизмлар ўртасидаги кўп маънолик, омонимлик, паронимлик ҳодисалари; лексемалар ўртасидаги партонимик, гипероним-гипонимик муносабатлар тезаурус асосида очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** юртимиз ва хорижий мамлакатлар олимларининг арабизмларга оид олиб борган илмий изланишларининг фундаментал илмий-назарий қарашлари ўрганилгани; натижада республика ва халқаро илмий конференция материаллари тўпламлари, хориж ва республика илмий журналларида чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани,

олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон таълим тизимида оид арабизмларнинг лингвостатистик, лексик-семантик таҳлили амалга оширилиб аниқлик киритилганида, ўзлашма лексемалар семантикасидаги тараққиёт жараёнлари изоҳланганида, семантик ўзгаришлар асосланганида, ўзлашмаларнинг ўзлаштирувчи тил қонуниятларига мослашуви ҳақидаги илмий-назарий хулосалар ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Олий таълим тизимидаги “Семантика”, “Лексикография асослари”, “Ўзбек тили тарихи”, “Прагмалингвистика”, “Ҳозирги ўзбек тили”га оид дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий мажмуа тайёрлашда материал сифатида фойдаланиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Таълим соҳасидаги арабизмларнинг тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўзбек тилининг таълим терминологиясининг шаклланиши, ривожланиши ва ҳозирги ҳолати таҳлили, бадий атамаларнинг семантик хусусиятлари, жумладан, *таълим, тажриба, таъзод* ва бошқа атамаларга оид илмий-назарий хулосалардан 4-57 рақамли “Озарбайжон-Ўзбекистон: адабий алоқаларининг ўрни ва роли” (2018-2019) мавзусидаги амалий лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Озарбайжон Фанлар Академияси Низомий номидаги адабиёт институтининг 2020 йил 10 апрелдаги 47-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек-озар адабий алоқаларининг шаклланиши ва тадрижидаги ўзаро муштараклига оид қарашларнинг бойишига асос бўлган;

таълим соҳасидаги арабизмларни ўрганиш натижалари, ўзбек тилидаги ўзлашма сўзларнинг, жумладан *муаллим, илм, таълим, олим, сабоқ, маориф, муассаса, дарс, мадраса, маъруза, китоб, мактаб, фан* каби таълим соҳасига оид ўзбек тилига хос бўлган лексемаларнинг семантик тузилмалари, семантик ва коннотатив маъноларининг шаклланиши борасидаги илмий-назарий хулосалардан А-ОТ-2019-10 рақамли “Ўзбек тилида нейминг: меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш” (2019-2020) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 07 июлдаги 04/ 1-1232-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек тилидаги номларни таҳлил қилиш ва уларнинг меъёрий асосларини ўрганишга хизмат қилган;

таълимга доир арабизмларнинг ўзбек лексикографиясида дастлабки терминологик луғатларнинг яратилишини изоҳлашда, таълим соҳасига оид терминлари атов бирликларининг луғатлардаги тавсифи масаласини ёритишда, терминларнинг лингвостатистик хусусиятларини изоҳлашда, таълим соҳаси терминларининг корпус таҳлили муаммоларини тавсифлашда, таълим соҳасига оид терминларининг тарихий тараққиёт босқичларидаги тадрижий такомилени кўрсатишда илгари сурилган илмий асосланган



назарий хулосалардан ОТ-А1-018 рақамли “Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш” (2017-2018) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 07 июлдаги 04/1-1232-сон маълумотномаси). Натижада банк-молия терминларининг ўзбек тилига ўзлашиши, уларнинг лингвостатистик хусусиятларини изоҳлашга оид назарий қарашлар бойишига асос бўлган;

таълим субъектини ифодаловчи лексемаларнинг ўзбек тили тарихидаги ўрни, ўзлашма сўзларнинг, хусусан, арабизмларнинг кириб келиши, араб ёзувидаги манбалар, уларнинг маданий-маърифий аҳамиятига доир илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телерадиоканалининг “Тақдимот” ва “Мавзу” кўрсатувларининг сценарийларини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 10 мартдаги 01-14-371-сон маълумотномаси). Натижада дастурлар учун тайерланган материаллар мазмуни назарий ва амалий маълумотлар билан бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференциясида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 5 таси республика, 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 162 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг I бобида “Ўзбек тилидаги арабизмлар тавсифи ва тарихий-этимологик таҳлили” ёритилган.

Бобнинг “�збек тилига арабизмларнинг ўзлашиш усуллари” фаслида арабизм<sup>30</sup>ларнинг туркий тилларга, хусусан, ўзбек тилига ўзлашиш омиллари, усуллари таҳлил қилинган. Ўзбек тилига арабча сўзларнинг ўзлашиш омиллари иккига ажратилади: экстралингвистик (ташки) ва интралингвистик (ички) омиллар. Фаслда арабизмларнинг ўзлашиш омиллари таҳлил этилган.

“Ўзбек тилида таълим соҳасидаги арабизмларнинг ривожланиш босқичлари ва лингвостатистик таҳлили” деб номланган иккинчи фаслда таълим тизимига оид арабизмларнинг ўзбек тили луғат таркибидаги тараққиётини уч катта даврга ажратиб изоҳланган:

1. X – XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган давр.

2. XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг 90-йилларигача бўлган давр.

3. Мустақиллик даври.

X–XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган тараққиёт даври арабизмларнинг кенг ёйилиши билан характерланади. Адабиётларда таъкидланганидек, диний терминлар билан бир қаторда фан ва маорифга доир сўзлар ҳам ўзлашди. Масалан, تعليم [ta'lim], نظام [nizam], مدرسة [madrasa], معلم [muallim], علم [ilm], كتاب [kitab], مرب [murabbiy], صلاحية[salohiyat], تصنيف [tasnif], اسلوب [uslub] ва бошқалар.<sup>31</sup> Таълим тизимига оид арабизмларнинг асосий қисми аниқ маънони билдирувчи лексемалардир: مكتب [maktab], قلم [qalam], صنف [sinf]<sup>32</sup>.

Арабизмлар, хусусан, таълим тизимига оид лексик бирликлар илмий ва бадиий услуб негизида кенг доирада истеъмол қилинди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг 90-йилларигача бўлган давр ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар билан изоҳланади. Рус тили таъсири натижасида ва рус-байналмилал сўзларининг ўзлашиш жараёни арабча лексик бирликлар ўрнида бошқа атамаларнинг қўлланишига замин яратди. Ўзбек тили луғат фондида рус ва рус-байналмилал сўзлари фаоллаша бошлади.

XX асрнинг биринчи чораги ўзбек тили тараққиёти, маданияти ва маънавиятида ўзига хос қарашлари билан ажралиб турадиган муҳим давр ҳисобланади. Жаҳидчилик ҳаракати намояндаларининг имло ва ёзув масаласи, ўзбек тили луғат фонди тараққиёти, ўзлашган сўзларга муносабати тадқиқотлар учун муҳим материал вазифасини ўтайди. Бу давр жаҳид адабиёти вакиллари қарашларида ўзбек тилининг туркий луғат бойлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилди, унинг замини асосида ўзбек адабий тилини эски ўзбек тили асосида шакллантириш, эски ўзбек тилини соддалаштириш

<sup>30</sup>Араб тилига хос бўлган, араблар маданияти таъсирида кириб келган нарса-буюм, жонзотларга нисбатан *араби* сифати қўлланади ва “арабларга хос” деган тушунчани ифодалайди: *араби гилам, араби от*, Араб тилидан ўзлаштирилган сўз ёки ибора илмий нутқда *арабизм* термини билан юритилади (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I.-Т., 2006.-Б.93).

<sup>31</sup>Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.1975. –Б.70.

<sup>32</sup>Ходжиев А., Аҳмедов А. Ўзбек тили лексикологияси. – Т. 1981. – Б.117.

ва софлаштириш, мумтоз адабий тилни жонли сўзлашув тилига яқинлаштириш ғоялари илгари сурилган эди<sup>33</sup>.

Тушунчаларни туркий архаизм ёки туб туркий сўз билан аташ, шу асосда ўзбек тилининг луғат фондини ички манба ҳисобига бойитиш жаҳидчиликнинг лингвистик йўналишдаги фаолияти бош ғояларидан бири бўлган. Бундай ёндашув арабизмларнинг ўзбек тилига кириб келиш жараёнини бир оз тизгинлашга хизмат қилган. Бу типдаги ёндашув таълим тизимига доир тушунчалар ифодасида ҳам кўзга ташланади. Бир қатор арабизмлар ҳам туркий муқобилига алмаштирилган. Масалан, Элбек таълим тизимига оид *мактаб* сўзи ўрнида *ёзоқ* атамасини қўллайди<sup>34</sup>. Элбек қўллаган *ёзоқ* туркий сўзи бу даргоҳнинг саводни оширишга, ёзма нутқни ўргатишга ва такомиллаштиришга йўналтирилганлигини таъкидлайди (*ёзмоқ* феълидан).

Ушбу параграфда статистик таҳлил натижалари келтирилди.

Статистик таҳлилни амалга оширишда статистик таҳлил, лингвостатистика усуллари ёритилган манбаларга таянилди<sup>35</sup>. Таълим тизимига оид арабизмларнинг статистик таҳлилида қуйидаги тамойилларга асосланилди:

1. Таълим тизимига оид арабизмлар ўзбек тилининг изоҳли луғати<sup>36</sup>, ўзбек тилининг этимологик луғати<sup>37</sup> асосида ажратилди.

2. Арабизмлар ҳосилалари билан ўзлашган: *илм– таълим – муаллим – олим*. Ҳосилаларнинг ҳар бири алоҳида арабизм сифатида қаралди.

3. *Миллий, сиёсий, жамоавий, доимий* каби сўзлар арабизмлар статистикасида эътиборга олинди. Чунки бу сўз таркибидаги қўшимчалар лексема билан биргаликда ўзлашган.

4. Таълим тизимига оид арабизмлар бир қатор лексемаларни шакллантиришда асос сифатида хизмат қилган: *ақлли, иқтидорли, истеъдодли, талабалик*. Бундай бирликлар ўзбек тилининг ички имкониятлари асосидаги ясамалар бўлиб, арабизмлар статистикасида ҳисобга олинмади.

5. *ا (алиф), ل (лом), م (мим), د (дол), ي (йой)* ҳарфларини ҳам таълим тизимидаги терминлар сифатида алоҳида қайд этдик. Негаки бу ҳарфлар ўзбек тилига ўзлашиб, фонема белгисидан кенгроқ доирадаги семантикани намоён қилишга хизмат қилади.

Тадқиқотимизда таълим жараёнида фаол қўлланадиган арабизмлар таҳлилга тортилди. Таълим жараёнига оид 270 та лексик бирлик аниқланди.

<sup>33</sup> Долимов У. Туркистонда жаҳид мактаблари. – Т.: Университет, 2006. –Б.10.

<sup>34</sup> Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиги ривожига Элбекнинг роли: Филол. фан.номз. дисс. ... автореф – Т., 2002. – 24 б.

<sup>35</sup> Фрумкина Р.М. Применение статистических методов в языкознании // ВЯ. -М.: Наука, 1960.-№4.-С.129-133; шу муаллиф. Статистическая структура лексики Пушкина. ВЯ. -М.: Наука, 1960.-№3.-С.78-81; Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси.-Т.: Фан, 1983; Йўлдошев Б. Матни ўрганишнинг лингвостатистик методлари.-Самарқанд, 2008.

<sup>36</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. I –680 б.; II– 672 б.; III – 688 б.; IV –Т., 2008. -608 б.; V – 592 б.

<sup>37</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати.-Т.,2003.

Бу лексемалар қўлланиш даври, семантик таркиби жиҳатидан ўзаро фарқли хусусиятларни намоён этади.

Арабизмлар таҳлиliga оид изланишларда уларнинг асосий қисми от туркумига мансублиги таъкидланган<sup>38</sup>. Шу сабабли уларнинг барчаси нутқда эгалик шакллари олиган ҳолда қўлланади: *талабам, талабанг, талабаси, талабамиз, талабангиз, талабалари*. Ҳар бир арабизмнинг эгалик шаклидаги сўз шакллари 1350 тани ташкил этади.

Арабизмлар келишиқ кўшимчаларини олиб турланади: *маорифнинг, маорифга, маорифни, маорифга, маорифда, маорифдан*. Келишиқ кўрсаткичли сўз шакллари ҳисобласак, 1080 ҳажмдаги миқдор ҳосил бўлади.

Арабизмлар, деярли, барчаси кўплик шакли билан қўллана олади. Кўплик шакли яна 270 та сўз шаклини ҳосил қилади. Демак, нутқ таркибидан ташқаридаги арабизмлар 270 тани ташкил этиб, контекстда 2700 сўзшакли кўринишида қўлланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни матнида *қонун, фуқаро, таълим, тарбия, ҳужжат, қоида, давлат, жамоат, сиёсат, махсус таълим, жинс, ирқ, фуқаро, низом, вазир, маҳкама, муассаса, ҳуқуқ, мақом, мактаб, малака, шахс, истеъдод, ҳукм, фаолият* арабизмлари фаол қўлланган.<sup>39</sup>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”<sup>40</sup>ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>41</sup>ги қарорлари матнида арабизмлар кўп учрайди. Ҳар уч меъерий ҳужжат матнида *таълим (53), маълумот (39), муассаса (27), қоида (17), қонун (16), давлат (9)* сўзлари фаол қўлланган.

Таълим тизимида оид лексемалар семантик гуруҳлари, қўлланиш доираси ва миқдори жиҳатидан ўзаро фарқланади.

II боб “Ўзбек тилидаги таълимга оид арабизмларнинг лексик-семантик таснифи”га бағишланган.

*2.1. Арабизмларни лексик-семантик таснифлаш асослари.*  
Тадқиқотларда арабизмларни лексик-семантик гуруҳларга ажратиш

<sup>38</sup> Тожибоева М. Алишер Навоийнинг “Илк девон”идаги арабча сўзларнинг лексик-семантик талқини. Фил. фан. ном....дисс.-Т.,2011.-Б.7

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни (*O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1997-у., 9-сон, 225-модда; 2013-у., 41-сон, 543-модда; Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 05.01.2018-у., 03/18/456/0512-сон; 19.04.2018-у., 03/18/476/1087-сон*); 2020 йил 23 сентябрь.

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисидаги 816-сон қарори. (*Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 11.10.2018 у., 09/18/816/2032-сон*).

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (*Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 14.05.2019 у., 07/19/4319/3129-сон*)

тамойиллари, мезонлари бир хил бўлса ҳам, гуруҳларга бўлишда ёндашувнинг ҳар хиллиги сабабли турлича таснифлар юзага келган<sup>42</sup>.

Таълим соҳасидаги арабизмларни таснифлаш бирликларнинг лексик-семантик хусусиятларига боғлиқдир. Арабизмларнинг лексик-семантик жиҳатдан таснифланиши, қуйидаги лексик бирликларни ўз ичига олади.

2.2. *Таълимга оид арабизмларнинг лексик-семантик гуруҳлари.* Диссертация ишида таълим жараёнига оид арабизмлар лексик-семантик жиҳатдан қуйидагича таснифланди:

2.2.1. Таълим жараёнида фаол қўлланадиган умумистеъмол сўзлари. Бундай мазмундаги лексемалар тадқиқот материалининг асосий қисмини (35 фоизини) ташкил қилади: *ариза, баённома, далолатнома, вазир, истиқбол* (жами 107 та).

2.2.2. Таълим тизимида оид шахс отлари: *домла, муаллим, мудир, мудира, мураббий, мутахассис* (14 та).

2.2.3. Таълимга оид фаолият-жараён отлари: *таълим, тарбия, маориф, интизом, нозир, сабоқ, савод* (67 та).

2.2.4. Таълим муассасаси номлари: *дорулфунун, мактаб, мадраса* (9 та).

2.2.5. Таълим жиҳозлари ва ашёлари номлари: *китоб, дафтар, қалам, минбар* (22 та).

2.2.6. Фан-соҳага оид терминлар: Бу гуруҳ ичида энг кўп миқдорни адабиётшунослик терминлари ташкил қилади (51 та): *абжад, тазмин, тахмис, тазод, газал, рубоий, мусаммат, маснавий, мухаммас*. Қисман математикага (*ватар, манфий, махраж*) биологияга оид (*жинс, жисм, ирсият, истисқо, мафосил*) тарихга оид (*закоат, зарб*) терминлар кузатилади.

“Таълим жараёнида фаол қўлланадиган умумистеъмол сўзлари” таҳлилига бағишланган фаслда таълим доирасида фаол қўлланиш билан бирга бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳаларга оид тушунчаларни ҳам ифода этадиган бирликлар таҳлилга тортилди. Бу сўзларнинг қўлланиш частотаси ҳам юқори эканлиги таъкидланди: *вазир, вакил, жадал, жадвал, рақам, муҳаррир, мажбурият, мажлис, маскан, мартаба, мафкура*.

Арабизмлар, жумладан, таълим тизимида оид арабча лексик бирликлар ўзбек тилида асл луғавий маъносидан фарқли семантикани намоён этади. Бу хусусият таълим жараёнида фаол қўлланадиган умумистеъмол сўзларида ҳам кузатилади. Бу ҳолат бошқа маъновий гуруҳдаги арабизмларда ҳам кузатилади. Масалан, *жадвал* جدول терминининг дастлабки маъноси китобатчиликда энг кўп қўлланган безак турларидан бирини англатган бўлса, бугунги кунда унинг семантикасида кескин ўзгариш содир бўлган. Натижада, *жадвал* лексемаси ўзининг бугунги маъно англатиши жиҳатидан мустақил термин сифатида китобатчилик терминологияси тизимидан чиқиб кетди. Таълим ҳақида сўз борганда инсон хотирасида биринчи бўлиб дарс жадвали жонланади. Бу сўзнинг таълим тизимида фаол қўлланиши натижасида *жадвал* бирлигининг ўзи ҳам “дарс жадвали” тушунчасини ифода этади.

<sup>42</sup>Кодирова Н.И. Семантико-стилистический анализ заимствований в узбекском и русском языках в новейший период 1991-2001гг.: дисс. ...канд.филол.наук: - Т., 2001. – С. 40-41.

*Дарс жадвали* бирикмаси ҳам араб тилидаги جدول الدروس [jadvalud-durus] бирикмасига тенгдир. Араб тилида جدول [jadval] 1) оқим; арик; канал; 2) рўйхат, рестр, таблица, график, диаграмма маъноларида қўлланади<sup>43</sup>.

*Жадвал* таълим жараёнидан ташқари транспорт, молия, банк каби бир қатор ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фаол қўлланади.

Бу сўздан ясалган *жадвалли*, *жадвалсиз*, *жадваллаштириш* лексема семантикасига алоқадор тушунчаларни билдиради.

Бобнинг иккинчи фаслида “*Таълим тизимида оид шахс отлари*” изоҳланган. Таълим тизимида оид шахс отлари таълим жараёнидаги фаолиятни олиб борувчи ва бошқарувчи маъносини ифодаловчи отлардан иборат: *домла*, *муаллим*, *мутахассис*. Бундай бирликларнинг асосида таълим субъектини ташкил қилувчи шахс отлари туради. Арабизмлар семантикасидаги ўзгаришларни таълим тизимида фаол қўлланувчи, таълим субъектини ифода этувчи *домла* лексемаси таҳлили асосида кузатамиз. Таълим субъекти, “таълим берувчи шахс” тушунчасини билдирувчи лексемалардан бири *домла* сўзидир.

Таҳлиллар натижасида *домла* лексемаси семантикасида куйидаги семалар мавжудлиги кузатилди: 1. “Диний билим берувчи”. 2. “Зиёли”. 3. “Таълим берувчи”. 4. “Диний билим ёрдамида амал қилувчи”

Домла лексемасининг изоҳли луғатда келтирилган маънолари	Домла лексемаси семалари				
	“Диний билим берувчи”	“Зиёли”	“Таълим берувчи”	“Диний билим ёрдамида амал қилувчи”	“Даволовчи”
“Ҳар қандай илмли кишига ҳурмат билан мурожаат этиш шакли”			+		
“Диний мактаб муаллими”	+	+	+		
“Мадрасани битирган мулла киши”		+			
“Масжидда имомлик қилувчи мулла”	+	+			
“Дуохонлик, иссиқ-совуқ қилиш билан шуғулланувчи шахс”				+	+
“Ўрта ва олий мактаб ўқитувчиси; илмий раҳбар, устоз”		+	+		

*Домла* сўзининг барча маъноларида гендер жиҳатдан хослик семаси мавжуд, лексема фақат эркак жинсидаги шахсни англатган. Бунинг сабаби муайян даврларда ушбу фаолият билан аёллар шуғалланмаганлиги билан изоҳланади. Лексеманинг “Ўрта ва олий мактаб ўқитувчиси; илмий раҳбар, устоз” маъноси XX асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, маданий муҳит таъсирида шаклланган бўлиб, унда гендер жиҳатдан хослик семаси

<sup>43</sup> Баранов. Х.К. Арабско-русский словарь. – М., 1962. –С.148.

мавжуд эмас. Лексема талабалар нутқида олий таълим муассасида билим берувчи ҳар икки жинс вакилларига нисбатан қўлланади.

Арабизмлар ўзбек тилига ўзлашиб, шу тил доирасидаги лексик-семантик парадигмаларда иштирок этади. *Домла* лексемаси бир қатор лексемалар билан синонимик муносабатга киришади ва ўзига хос семалари билан фарқланиб туради.

Тадқиқотда таълимга оид фаолият-жараён отлари, таълим муассасаси номлари, таълим жиҳозлари ва ашёлари номлари, фан-соҳага оид терминлар изоҳланган.

Таълим жараёнида энг фаол қўлланувчи ашё номи *дафтар*дир. *Дафтар* [а.] 1. Китобча шаклида тикилган, муқоваланган ва хат ёзиш ёки расм чизиш учун мўлжалланган тоза қоғоз варақлари. 2. Бирор кимса ёки нарса ҳақидаги саргузашт ҳикоя. *Унинг дафтари узун. Дафтар қилмоқ*<sup>44</sup>.

*Дафтар* лексемасида қуйидаги семалар мавжуд: “оқлик”, “қайд этиш”, “каватлилик”, “чизиқлилик”. Дафтардаги чизиқлар унинг таълим жараёнидаги муайян фаолиятга хосланганини кўрсатади. Шунга кўра *кичкина чизиқли, бир чизиқли, каттак дафтар* бирикмалари кўп ишлатилади. Ҳажмига кўра *12 варақли* ва *умумий дафтарлар* фарқланади.

Изоҳли луғатда келтирилган қуйидаги бирикма ва мисолларда ҳам дафтар кўчма маънода қўлланган: *дунё дафтари, кўнгул дафтари*.

*Дафтар* бир қатор лексемалар билан бирикиб, кенгайган тушунчани англатишга хизмат қилади. Бу бирикмаларнинг аксариятини қўшма сўз сифатида баҳолаш мумкин: *вексель дафтари, кундалик дафтар, нота дафтари, уй дафтари, хотира (ёки кундалик) дафтари, шикоят дафтари, ҳисоб дафтари* (ЎТИЛ, I, 578).

*Дафтар* лексемасининг энг фаол семаси “қайд этиш” бўлиб, турли маъноларнинг реаллашувига хизмат қилган. Юқоридаги бирикмалардан *кундалик дафтар, нота дафтари* таълим жараёнлари билан алоқадор. Қолганлари турли ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ тушунчаларни акс эттиради.

*Дафтар* сўздан ўзбек тили доирасида *дафтардорлик, дафтарнавис, дафтарча, ён (қўйин, чўнтак) дафтарча, меҳнат дафтарчаси, омонат дафтарчаси, пенсия (ёки нафақа) дафтарчаси* каби янги сўзлар ҳосил қилинган.

*Дафтарча* сўзининг кичрайтириш маъноси асосида “блокнот” ўзлашмасига тенг келувчи лексема ҳосил бўлган. *Меҳнат дафтарчаси, омонат дафтарчаси, пенсия дафтарчаси* бирикма шаклдан юзага келган қўшма сўз сифатида қаралади. Янги луғавий бирлик сифатида қаралса-да, бу бирликларда семантик жиҳатдан “кичрайтириш” маъноси сақланиб қолган.

*Дафтар* сўзи китоб ва қалам сўзлари билан жуфт шакл ҳосил қилади ва умумлаштирувчи грамматик маъноларни ифодалашга хизмат қилади: *китоб-дафтар, дафтар-қалам*. Бу жуфт сўзлар ифодалаган грамматик маъно таълим жараёнига тегишлидир.

<sup>44</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I.-Т., 2006.-Б.578.

Ҳозирги кунда *дафтар* сўзидан ҳосил бўлган кўшма сўзлар умумистеъмол доирасидаги сўз сифатида ижтимоий қатламда фаол қўлланмоқда: *аёллар дафтари, ёшлар дафтари, темир дафтар*.

Таълим жараёнига оид сўзлар ўқитувчи, ўқувчи фаолияти билан боғлиқ тушунчаларни, таълим жараёни воситалари, ашёлари номларидир.

Арабизмлар нисбатан кўп миқдорни ташкил этса-да, ўзбек тилида фаол қўлланиши давомида семантик тараққиёт қонуниятларига бўйсунган, кўчма маъноларни ифодалаш учун хосланган. Шу боис таълим тизимига оид арабизмларни ўзбек тили лексикасининг семантик тараққиёти маҳсули сифатида қарашимиз, бу сўзлар семантикасида шаклланган бир қатор маънолар ўзбек тилига хослигини таъкидлашимиз зарур.

III бобда “**Таълимга оид арабизмларда шаклий ва семантик парадигмалар**” таҳлили келтирилган.

“*Таълимга оид арабизмларда ўзакдошлик қаторлари*”. Арабча лексемаларда ўзакдошлик сўз таркибидаги ундошлар асосида ҳосил қилинади: *фикр – тафаккур – мутафаккур*.

Мазкур параграфда арабизмлар ва уларнинг ҳосилалари таҳлил этилган. Араб тили консонант тил бўлиб, унлилар ифода этилмайди. Араб тилининг консонантлик хусусияти янги лексемалар ҳосил қилиш жараёнида ҳам кузатилади. Консонант ўзаклар ёки ички флексия арабизмларни ажратишнинг муҳим белгиси сифатида қайд этилган.

Арабча сўзларни аниқлаш белгиси бўлган консонант бирлик ўзакдош лексемалар қаторини ҳосил қилади. Мазкур ўзакдошлик қаторида, ҳар қандай парадигмаларда бўлганидек, лексемалар қўлланиш частотаси, замони, услубий бўёқдорликка эга ёки эга эмаслиги билан фарқланади. Бу ҳолат арабча консонантлик асосидаги ўзакдошлик қатори элементларининг алоҳида лексик-семантик хусусиятларини намоён этади.

Бу жараёнлар арабча ўзлашмалар кенг доирада истеъмол қилинаётган ўзбек тилининг лексик-семантик тараққиёти билан изоҳланади. Бундай специфик семантикани таълим жараёнига оид айрим ўзакдошлик қаторлари мисолида таҳлил қилдик.

**علم ўзакдошлик қатори: илм–муаллим– таълим– олим.**

Бу ўзакдошлик қаторидан фаол қўлланувчи сўзлардан бири *илм*дир.

*Илм* – ўқиш-ўрганиш ва тадқиқот, таҳлил этиш билан эришиладиган билим; кўникма, маълумот (ЎТИЛ, II, 195).

علم ўзакдошлик қаторидаги лексик бирликлар ўзбек тилига ўзлашиб, турли даражадаги семантик ўзгаришлар билан қўлланади.

علم (илм) ўзакдошлик қаторидаги лексемалар фаоллиги ўзбек тили доирасидаги сўз яшаш жараёнида иштирок этиши билан белгиланади. “Арабча сўзларнинг ўзбек тилига морфологик жиҳатдан мослашиши икки ҳолатда: а) арабча сўзлар негизида ўзбек тилида янги сўзлар ҳосил қилинишида; б) арабча сўзларнинг ўзбек тилидан грамматик форма ясовчи кўшимчаларни қабул қила олишида ёрқин кўринади”<sup>45</sup>.

<sup>45</sup> Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Т.: Фан, 1985. –Б.170.



*Илм* лексемаси *илмли*, *илмсиз* лексемаларига асос бўлган.

Мазкур ўзакдошлик қаторидаги *таълим* сўзининг қўлланиш частотаси ҳам юқори. *Таълим* [а. “ўргатиш, ўқитиш, илм бериш; маълумот”] – Билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. *Таълим* лексик бирлиги *таълим тизими*, *таълим жараёни*, *таълим субъекти*, *таълим муассасаси* каби бир қатор бирикмалар таркибида фаол қўлланмоқда.

*Таълим* лекемаси семантикасида қуйидаги семалар шаклланган.

1.“Соҳага оид билим” семаси: илм-фан ёки касб-ҳунар соҳалари бўйича эгалланадиган, олинадиган маълумот ва кўникмалар мажмуи; билим. 2.“Савод, маданият” семаси: тарбия, одоб-ахлоқ. 3.Сўзлашувда “кўрсатма, йўл-йўриқ, ўргатув” маъносида қўлланиб, “фаолиятга доир йўналиш” семасини ифодалайди (ЎТИЛ, IV,28).

*Таълим* лексик бирлигидан *таълимий*, *таълимли*, *таълимсиз* бирликлари юзага келган.

Бу лексемаларининг ўзбек тилида қўлланиш частотаси паст. Айрим ҳолларда сўзлашув услубида ва бадий матнларда учрайди.

*Таълим* лексемаси асосида шаклланган *таълим-тарбия* жуфт сўзининг қўлланиш даражаси юқори: **таълим-тарбия**–таълим ва тарбияга оид ишлар; таълим ва тарбия; педагогика (ЎТИЛ, IV,28)<sup>46</sup>.

*علم* ўзакдошлик қаторидаги *муаллим* XX аср бошларида кириб келган. *Муаллим* [а. - ўргатувчи, ўқитувчи; устоз] 1. Дарс берувчи киши; ўқитувчи, педагог. 2. Таълим берувчи, бировга бирор нарса ўргатувчи киши; устод, устоз. Масалан, Алишер Навоий ижодида “таълим берувчи шахс” маъносида *устод/устоз* ишлатилган<sup>47</sup>. *Муаллим*нинг XX аср бошларидаги қўлланиш даражаси ҳам юқори бўлмаган. Бу даврда нашр этилган машҳур журналнинг “Маориф ва ўқитувчи” деб номланиши муаллим бирлиги *ўқитувчи* туб туркий лексеманинг ўрнини ҳали тўлиқ эгалламаганидан далолатдир.

*Муаллим*нинг қўлланиш частотаси ҳозирда ҳам юқори эмас. Сўз бадий услубга хосланиб қолган. Бундан муаллим лексеманинг ўзбек адабий тилида қўлланиш частотасини “ўрта даражада” деб баҳолаш мумкин.

Ҳозирги араб тилида *мударрис* ва *муаллим* сўзлари мактаб ва олий таълим муассасаси педагогларига нисбатан қўлланади:

المدرس او المعلم هو الذى يعلم فى المدرسة او المعهد العلمى و الأدبى و من خلاله يتم شخصيات .  
أبناء الوطن. [al mudarrisu au al mu‘allimu hua al laḍi: ʊu‘allimu fi:l madrasati au al ma‘hadil ‘ilmijj ual ‘adabijj ua min ḥila:lihi ḵatimmu šaḥṣijj:tin ‘abna:’al uaṭani]–  
*ўқитувчи, муаллим-бу мактаб ёки илмий ва маданий институтда дарс берувчи, мамлакат фарзандларини шахсга айлантирувчи инсон*<sup>48</sup>.

*Олим* – “билимли, илмли, доно; маълумотли”. Фаннинг бирор соҳаси бўйича махсус билимга эга бўлган киши.<sup>49</sup> *Олим* лексемаси қуйидаги

<sup>46</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати.IV том. –Т.,2008.-Б.30.

<sup>47</sup>Тожибоева М. Алишер Навоийнинг “Илк девон”идаги арабча сўзларнинг лексик-семантик талқини.Филол.фан.ном....дисс. автореферати.-Т.,2011.-Б.9.

<sup>48</sup>ويكيبيديا (الموسوعة الحرة)

<sup>49</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати.III том. –Т., 2008.-Б.114.

сўзларга ясалиш асоси сифатида хизмат қилган: *олимларча* – “олимларга хос”; *олимлик* – олимга хос хусусият, хатти-ҳаракат; *олимнамо* – “олимга ўхшаган, олим кўринишидаги”; *олимона* – “олимлар каби, олимларга хос бир йўсинда, олимларча” (ЎТИЛ, III, 114).

*Таълимот* а. – «таълим» сўзининг кўплик шакли: кўрсатмалар, йўл-йўриқлар, фармойишлар. Фан соҳалари, ижтимоий ҳаёт, жамият ва ш.к. ҳақидаги илмий қарашлар, назарий хулосалар мажмуи; назария (ЎТИЛ, IV, 28).

علم ўзакдошлик қаторидаги 4 та лексема ўзбек тилидаги сўз ясалиш жараёнида иштирок этган. *Илм* ва *таълим* сўзлари ўзбек тилида фаол қўлланиб, турли сўзлар билан бирикма ҳосил қилиши ва фаол қўлланиши натижасида семантик жиҳатдан тараққий қилган.

“*Таълим соҳасидаги арабизмларда полисемия ва омонимия*” параграфида *модда*, *давлат*, *даража* сўзлари мисолида таълимга оид омонимлар изоҳланди. Таълим соҳасидаги арабизмлар семантикасидаги асосий ўзгаришлар ўрганилиб, полисемия ҳодисаси ҳам кузатилади.

Кейинги фаслда синонимик қаторларнинг семантикаси ўрганилган. Синонимия ҳодисаси арабча лексемалар билан бошқа тил бирликлари ўртасида ҳам кузатилади. Арабизмлар ўзбек тилида фаол қўлланиб, муайян семантик мундарижа асосида бошқа тил бирликлари билан синонимия қаторларини ҳосил қилади. Масалан, *муассаса* – *ташкилот* – *ўқув юрти* (*учреждение-организация-учебное заведение*), “*таълим олиш маскани*” семасини ташкил қилади ва сўз иборалардан ташкил топади. *Муассаса* ва *ташкилот* лексемалари арабча сўзлар бўлиб, “*таълим олиш маскани*” семасининг маъноларини белгилашда фарқ қилади. Биринчидан, *муассаса* лексемаси таълим соҳасидаги қўлланиш доираси кенг. Шунингдек, *ташкилот* лексемаси ҳам кенг қўлланилади. *Муассаса* лексемасида “жой”, “манзил” семалари устун бўлса, *ташкилот* лексемасида “ташкилот”, “жамоат”, “тизим” семалари юқори туради.

“Таълим тўғрисидаги Қонун” нинг янги нашрида *ташкилот* сўзининг қўлланилиши *муассаса* сўзига нисбатан кўп кузатилган. Синонимия ҳодисаси арабизмлар ва бошқа тилдан ўзлашган сўзлар ўртасида ҳам учрайди.

“*Таълимга оид арабизмлар тезауруси*” деб номланган параграфда таълим тизимига оид арабизмлар ўртасидаги гиперонимик-гипонимик, иерархик, партонимик муносабатлар, кўп маънолилиқ, синонимлик ҳодисалари тезауруслар қолипида таҳлил этилган.

*Тезаурус* (thesaurus) грек тилидан олинган бўлиб, “ҳазина” маъносини аналатади. Хозир дунё тилларида тезаурусларнинг бир неча кўринишлари мавжуд. Шулардан энг машҳури инглиз тилида яратилган WordNet тезаурусидир<sup>50</sup>. Таълимга оид шаклдошлик ва маънодошлик қаторлари, лексема семантикасидаги жараёнлар *тезаурус* деб номланган компьютер луғатларида тизимли равишда дастурлаштирилган кўринишда акс

<sup>50</sup> Theye Global WordNet Assoiation <http://global.wordnet.org/wordnets-in-thye-word>.

эттирилади. Шу сабабли тезаурусларнинг лингвистик тадқиқотларда, айниқса, лексема семантикаси, семема, сема, валентлик тушунчаларини таҳлил қилишдаги аҳамияти каттадир.

Тезаурус таркибидаги сўзлар алфавит бўйича эмас, балки тематик гуруҳлар бўйича жойлаштирилади. Тезаурус – сўзлар ва шу сўзлардан шаклланган лексемалар, луғавий бирликлар, сўз бирикмалари ўртасидаги турли боғланишлар (муносабатлар) ҳақидаги ахборотлар тизимидир.

WordNetнинг луғат базаси сўзларни семантик узвлар асосида бирлаштирувчи *синсет* деб номланувчи синонимик қаторлардан иборатлигини айтиб ўтдик. Таълим тизимига оид синсет тезаурусини фаол қўлланадиган қуйидаги синонимик қатор орқали ёритамиз:

***Дарс - сабоқ –таълим –таҳсил***

**Дарс**

1.Сўзнинг ёки тил бирлигининг морфология ва синтаксисга алоқадорлиги: *от (турдош от)*

2. Талаффуз қилиниши: *дарс*

3.Семантик таркиби:

А) *сўзнинг асл маъноси*: Таълим муассасаларида илм, маълумот бериш мақсадида ўтказиладиган ўқув машғулоти, сабоқ.

Кўчма маънода: Ҳаётий тажрибадан келажак учун чиқарилган фойдали натижа, ибрат, сабоқ. Бу маъно араб тилида кузатилмайди: درس [dars] 1) сабоқ; 2) маъруза<sup>51</sup>.

Б) синоними: *сабоқ –таълим –таҳсил*

В) пароними: *дарз. Дарз* [ф. “ чок, чандик; тор тиркиш ] ёриқ, ёрилган; ёрилган жой; ёриқ.

Г) гипероними: *таълим жараёни*

Д) гипоними: *маъруза, амалий машғулоти, семинар, лаборатория*

4.Яқин маънодаги сўзлар: *дарслик, дарсхона, дарс бермоқ, дарс ўтмоқ, дарс олмоқ.*

5. Этимологияси: арабча درس “сабоқ” .

6. Фразеологизмларда қўлланиши: *шайтонга дарс бермоқ*

Бирикмалар таркибида қўлланиши: *очиқ дарс, анъанавий дарс, ноанъанавий дарс.*

7. Бошқа тилларда қўлланиши: рус тилида: *урок*, инглиз тилида: *lesson*

Диссертацияда *дарс* сўзига синоним ҳисобланган *сабоқ-таълим-таҳсил* сўзларининг тезауруси келтирилган.

*Сабоқ-таълим-таҳсил* синонимик қаторидаги ҳар бир лексема *бермоқ, олмоқ, кўрмоқ* феъллари билан бирикиб, ўзбек тили доирасида қўшма феъл ҳосил қилинган. Композиция усулида феъл ҳосил қилиниши ҳар уч лексема учун бир ҳил бўлса-да, лексемалар қайси феъл билан бирика олиш хусусиятига кўра ўзаро фарқланади. Бу жиҳатдан *сабоқ, таълим* сўзлари умумийликка эга: *сабоқ+олмоқ; сабоқ+бермоқ; таълим+олмоқ; таълим+бермоқ.* *Таҳсил* лексемаси *бермоқ* феъли билан бирика олмайди,

<sup>51</sup>Баранов. Х.К. Арабско-русский словарь. – М., 1962. –С.317.

*олмоқ, кўрмоқ* феъллари билан қўшилиб, қўшма бирликни юзага келтиради: *таҳсил+олмоқ; таҳсил+кўрмоқ*.

Тадқиқотда таълимга оид тезаурусларнинг аҳамияти кўрсатиб берилган.

## ХУЛОСА

Ўзбек тилидаги таълим тизимида оид лексика ўз қатлам ва ўзлашган қатлам бирликларини ўз ичига олади.

Ўзлашган қатлам бирликларидан маълум гуруҳини арабизмлар ташкил қилади. Таълимга оид арабизмларнинг лексик-семантик хусусиятлари таҳлили асосида қуйидаги умумий хулосаларни билдириш мумкин.

1. Ўзбек тилига арабизмларнинг ўзлашиш сабаблари, соҳаларда қўлланиш омиллари адабиётларда ёритилган. Таҳлиллар арабизмларнинг узок тарихий муддат давомида, босқичма-босқич, тизимли равишда турли мақсадларда ва ҳар хил усуллар ёрдамида ўзлашганини кўрсатади. Биринчи навбатда, арабизмларнинг ўзлашиш жараёнидаги сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий омиллар ажратилади.

Арабизмларнинг қўлланишига доир муносабатлар маълум даврларга, хусусан, XX аср бошларига келиб ўзгарди. Бу лексемаларни туркий муқобилига ёки янги кириб келаётган бошқа тил элементларига алмаштириш ғоялари илгари сурилди.

Таълим тизимида оид арабизмлар тараққиётига динамиклик хос бўлиб, бир қатор лексемалар маълум босқичларда истеъмолдан чиқди. Айрим тушунчалар янги лексемалар билан ифода этилди. Арабизмлар ўзбек тили луғат бойлигига сингиб кетгани, семантик қирралари фойдаланувчилар томонидан ўзлаштирилгани сабабли мустақиллик йилларида рус-байналмилал сўзларига нисбатан ўз қатлам сўзлари сифатида қаралди. Бир қатор чет сўзларни ўз қатлам муқобиллари билан алмаштиришда арабизмлардан фойдаланилди. Натижада арабизмларнинг қўлланиш доираси кенгайди, истеъмолдан чиққан бир қатор арабча лексик бирликлар қайта истеъмолга олиб кирилди. Бу жараён таълим тизимида оид арабизмлар тараққиётида ҳам ўз ифодасини топди.

Ҳозирги кунда арабизмларнинг таълим тизимида бевосита ўзлашиши, деярли, кузатилмайди.

2. Ўзбек тилига сифатдош, масдар, жой ва вақт маъносидаги арабизмлар кўп ўзлашган. Арабизмларнинг бу кўринишлари исмлиқ хусусиятини намоён этади, эгалик, келишικ категорияларига эга. Араб тилига хос флексия асосида шаклланган лексемалар таълим жараёнига оид тушунчаларни турли жиҳатдан ёритишга хизмат қилади.

3. Таълим тизимида оид арабизмлар қўлланиш миқдори, қўлланиш доираси жиҳатидан фарқланади. Энг фаол қўлланадиган арабизмлар ўзбек тили тарихий тараққиётида кенг доирада истеъмолда бўлиб келган лексемалардир. Ўзбекистон таълим тизимидаги арабизмлар ўзбек тили луғат таркибида муайян тарихий жараёнларни босиб ўтган лексик бирликлардир.

Шу боис таълим тизимига оид арабизмлар ўзбек тили тараққиётига хос семантикани намоён этади.

4. Таълимга оид арабизмлар турли семантик гуруҳларга оид лексемалардан иборат. Тил бирликларини лексик-семантик гуруҳ асосида ўрганиш лексемалар ўртасидаги алоқадорликни ёритишда, семантик жараёнларни, маъно доирасидаги ўзгаришларни, лексик-семантик муносабатларни таҳлил қилишда, сўзларнинг функционал қийматини белгилашда муҳим ўрин тутди.

Диссертацион ишда амалга оширилган таснифда энг кўп миқдорни таълим жараёнида ва умумистеъмол доирасида қўлланадиган сўзлар ташкил этди. Бир қатор арабизмлар таълим тизимига оид тушунчаларни ифодалаш билан бир қаторда, умумистеъмол доирасидаги тушунчаларни билдиради. Баъзи арабизмлар таълим тизимига оид тушунчаларни ифодалаш учун хосланган бўлиб, нисбатан тор семантик кўламни ифода этади. Айрим лексемалар таълим босқичлари учун умумий бўлса, айрим бирликлар таълим босқичларининг муайян шакли учунгина хосланган.

Бу гуруҳга оид арабизмлар семантикасида икки хил ҳолат кузатилади: умумистеъмол сўзларининг таълим жараёнига хосланиши ва таълим жараёнига хос терминларнинг умумистеъмол сўз бойлигига айланиши. Таҳлилларимиз умумистеъмол доирасидаги сўзларнинг таълим жараёнида қўлланиши ва фаоллашуви натижасида хосланиши кўп кузатилишини кўрсатди.

5. Арабизмлар нисбатан кўп миқдорни ташкил этса-да, ўзбек тилида фаол қўлланиши давомида семантик тараққиёт қонуниятларига бўйсунган, кўчма маъноларни ифодалаш учун хосланган. Аввало, арабизмларнинг луғавий маъносидан фарқли равишда қўлланишини таъкидлаш жоиз. Луғавий маъно ҳамда истилоҳий маънолар ўртасида алоқадорлик мавжуд бўлса-да, ҳосила маъноларнинг ўзбек тили доирасида юзага келганига эътибор қаратиш лозим. Шу боис таълим тизимига оид арабизмларни ўзбек тили лексикасининг семантик тараққиёти маҳсули сифатида қараш, лексема семантикасида шаклланган бир қатор семалар ўзбек тилининг семантик тараққиётига хослигини таъкидлаш зарур.

Таълим жараёнига оид арабизмлар таҳлили арабча лексик бирликларнинг семантик тараққиёти, янгича маъноларда қўлланиши ҳақида асосли маълумотлар беради.

6. Таълимга оид арабизмлар ўзаро ҳамда бошқа қатламга оид сўзлар билан шаклий ҳамда семантик муносабатга киришади. Арабизмларда шаклий парадигма араб тилига хос консонантликка асосланган ўзақдошлик қаторлари ҳамда шаклдош сўзлар ўртасида намоён бўлади. Консонантликка асосланган ўзақдошлик қаторлари араб тилининг флектив табиати, консонант тил сифатидаги белгилари билан изоҳланади. Ўзақдош арабизмлар қатори лексемалар миқдори, семантик имкониятлари, сўз ясалишидаги иштироки, қўлланиш доираси ва частотаси жиҳатидан ўзаро фарқланади. Арабизмларнинг семантик тараққиёти асосида юзага келган шаклдошлик

арабча лексемаларнинг ўзбек тили семантик табиатига мослашганини кўрсатади.

Арабизмлар ўртасидаги шаклий ҳамда семантик муносабатларни таҳлил қилиш лексема семантикасини ёритишда, маъно тараққиётини аниқлашда, лексик-семантик жараёнларни таҳлил қилишда аҳамиятлидир.

7. Арабизмлар тадқиқида лексемаларнинг семантик таҳлили алоҳида аҳамиятга эга. Арабизмларнинг бир маъноли ёки кўп маъноли эканлиги, маъно кенгайиши, маъно торайиши ҳодисаларини аниқлаш, семаларни ажратиш, янги семалар шаклланишига эътибор бериш, семантик ўзгаришларни таҳлил қилиш арабча бирликлар семантикасида ўзбек тили лексик тараққиёти қонуниятларининг акс этиш даражасини белгилашга хизмат қилади.

8. Ўзбек тили лексикаси ўзига хос семантик тизимга эга бўлиб, семантик муносабатларни ёритишда замонавий компьютер луғатлари ҳисобланган тезауруслар умумлаштирувчи аҳамият касб этади. Тезауруслар лексеманинг ўз маъноси, кўчма маъноси, омоними, синоними, антоними, пароними, фразеологизм таркибидаги маъноси, этимологияси, таржимаси каби белгиларга асосланади. Таълимга оид арабизмлар тезауруси арабча лексемаларнинг ўзбек тилидаги ўрнини ёритишга, шаклий ва семантик муносабатларни таҳлил қилишга, семантик мундарижани ташкил қилувчи маънолар ўртасидаги алоқадорликни кўрсатишга, луғавий маъно тараққиёти, кўчма маъно, унинг юзага келиш усулларини таҳлил қилишга, арабча лексемаларга юкланган семантиканинг ўзбек тилига хослиги, лексеманинг қўлланиш хусусиятлари билан алоқадорлиги, ўзлашган қатлам сўзларининг ўз қатлам семантик хусусиятларига мослашувини ёритишга хизмат қилади.

Тезурусларда лексема иштирокидаги қўшма сўз, фразема, бирикма кўринишидаги қуршовлар семантик тараққиётни ёритишда, маъно торайиши ва кенгайишини, контекстуал маъноларни, валентлик асосидаги имкониятларини таҳлил қилишда муҳим ўрин тутади.

Тезаурус тилнинг луғат бойлигини акс эттирувчи, бир лексема доирасидаги семантик мундарижани тавсифловчи, бир қатор лексемаларни бир семантик тизимга бирлаштирувчи муълумотлар базаси сифатида луғат сатҳида алоҳида қиймат касб этади.

9. Таълим тизимига оид маънодошлик қаторлари арабизмларнинг ўзаро ҳамда бошқа тил бирликлари билан синонимик муносабатга киришишини кўрсатади. Синонимик қаторни ташкил қилувчи арабизмлар тушунчани даражалаб, услубий бўёқдорликда ва хосланган кўринишда ифодалашда аҳамиятли ўрин тутади.

10. Тезаурус таълим тизимига оид лексемалар ўртасида гипероним-гипоним нисбати, партонимик, иерархик муносабатларни ҳам ёритишда аҳамиятлидир. Гипероним-гипоним муносабати лексемалар ўртасидаги туржинс муносабатларини акс эттиради, умумий белгининг хусусий узвларда ифодаланиш даражасини аниқлайди. Партонимик муносабат бутун-қисм алоқадорлигини ёритса, иерархик муносабат поғонали семантикага

асосланади. Лексемалар ўртасидаги лисоний муносабатлар лексемалар семантикасидаги тизимлилик белгисини ёритишда, сўзларнинг қўлланиш ўрни, частотасини аниқлашда ўзига хос аҳамият касб этади.

Таълим тизимида оид лексемалар тезауруси тушунчаларнинг ўзлаштиришда, матн таржимасида муҳим қийматга эга.

**ONE-TIME SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES  
DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 AT TASHKENT STATE UNIVERSITY OF  
UZBEK LANGUAGE AND LITERATURE NAMED AFTER  
ALISHER NAVOI**

---

**TASHKENT STATE UNIVERSITY OF UZBEK LANGUAGE AND  
LITERATURE**

**RASHIDOVA NARGIZA BAKHTIYAROVNA**

**LEXICAL AND SEMANTIC ANALYSIS OF ARABISMS IN THE  
EDUCATION SPHERE OF UZBEKISTAN**

**10.00.06 – Comparative Literature, Comparative Linguistics and Translation Studies**

**ABSTRACT  
of doctor of philosophy (PhD) on philological sciences**

**Tashkent – 2021**



**The theme of doctoral (PHD) thesis was registered by the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under B.2019.3.PhD/Fil997.**

Doctoral thesis was completed at the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi.

Dissertation abstract is placed on the web site of the Scientific Council ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)) and educational informational portal of «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) in three languages (Uzbek, English and Russian (resume)).

**Scientific advisor:**

**Abdirashidov Zaynabidin**

Doctor of Philological Sciences, Associate Professor

**Official opponents:**

**Mukhtarov Timur Askadovich**

**Doctor of Philology, Professor**

**Saidirakhimova Nasiba Saidmahamadovna**

**Candidate of Philology, Associate Professor**

**Leading organization:**

**Karshi State University**

Dissertation defense will be held at the meeting of the One-Time Scientific Council DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 at Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi on \_\_\_\_\_ at \_\_\_\_\_. (Address: 100100, Tashkent, Yakkasaray district, Yusuf Khos Hojib street, 103) Tel. : (99871) 281-42-44; fax: (99871) 281-42-44, ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)).

The dissertation can be found at the Information Resource Center of Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi (registered by \_\_\_\_\_). (Address: 100100, Tashkent, Yakkasaray district, Yusuf Khos Hojib Street, 103. Tel.: (99871) 281-42-44; fax: (99871) 281-42-44, ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)).

Dissertation abstract was distributed in 2021 « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_.  
(Digital Registry note № \_\_\_\_\_ in 2021 « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_).

**Sh. S. Sirojiddinov**

Chairman of the One-time Scientific Council awarding Scientific degrees, Doctor of Philological Sciences, Professor

**Q. Pardayev**

Scientific Secretary of the One-Time Scientific Council awarding Scientific degrees, Doctor of Philological Sciences

**S. Kh. Mukhamedova**

Vice Chairman of the Scientific Seminar at the One-Time Scientific Council awarding Scientific degrees, Doctor of Philological Sciences, Professor

## INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

**The actuality and purpose of the research.** The purpose of the study is to reveal the lexical and semantic features of the Arabisms in the sphere of education in the Uzbek language, in determining the level of their use in the form of terms, in indicating the features of semantic development in the structure of the language fund of the Arabic and Uzbek languages.

**The object of the research** is the 5-volume "Explanatory Dictionary of the Uzbek Language" and Arabisms from the texts of normative legal documents in the sphere of education of Uzbekistan, dictionaries of the Arabic language, which explains the lexical meanings of Arabisms in Arabic.

### **The scientific novelty of the research:**

For the first time in a monographic plan, the Arabisms of the education sphere of Uzbekistan were studied;

the factors of borrowing Arabisms in the sphere of education in the Uzbek language are highlighted;

a linguistic-statistical analysis of the Arabisms of the sphere of education in the Uzbek language was carried out;

carried out a lexical and semantic classification of Arabisms in the sphere of education and the communicative function of Arabisms is indicated in the form of terms in the sphere of education and analyzed connotative meanings and pragmatic functions in the process of communication and substantiated changes in Arabisms in semantic development; the formation of adjacent meanings of Arabisms is indicated and the development of these is interpreted;

the Arabisms of the sphere of education have been analyzed for a number of single-root formations; the semantics of single-root rows is highlighted and their places in the word formation system are indicated and a database of information for the thesaurus of Arabisms in the sphere of education has been formed.

### **Implementation of the research results:**

Based on the developed scientific results obtained in the study of Arabisms in the sphere of education:

the analysis of the processes of formation, development and the current state of the educational terminology of the Uzbek language and the semantic features of artistic terms such as ta'lim, tazhnis, tazod, etc., was used in the project No. 4-57 "Azerbaijan-Uzbekistan: the place and role of literary relations" (Certificate of the Institute of Literature named after Nizami of the Academy of Sciences of Azerbaijan dated April 10, 2020 No. 47). As a result, these proposals served as the basis for the further development and improvement of the Uzbek-Azerbaijani literary ties;

the results of the study of the Arabisms of the sphere of education, borrowed into the Uzbek language, such as muallim, ilm, ta'lim, olim, saboq, Maorif, moissasa, dars, madrasa, ma'ruza, kitob, maktab, fan and their semantic structures, the formation of semes and connotative meanings inherent Uzbek language lexemes related to the field of education served as the material of the applied project A-OT-2019-10 "Ozbek tilida naming: me'yoriy-kukuhiy asoslarini

yaratish" (certificate of the Tashkent State University of Uzbek language and literature named after Alisher Navoi dated 07.07.2021, No. 1-1232). As a result, this served as the basis for the analysis of lexemes in the sphere of education in the Uzbek language and the study of their regulatory framework;

definition in the first terminological dictionaries of the Uzbek lexicography of Arabisms in the sphere of education; the issue of coverage of nominative units of the sphere of education in dictionaries; clarification of linguistic properties of terms; description of the problem of corpus analysis of education terms; an indication of the stages of the gradual historical development of the terms in the sphere of education, carried out in the study, served as material for the applied project OT-A1-018 "O'zbek tili va uning tarzhimasi bilan bog'liq elektron va bank-moliya terminlarining ko'p tilli lug'atlarini yaratish" (reference from the Tashkent State University of the Uzbek language and Literature named after Alisher Navoi dated 07.07.2021 No. 04 / 1-1231). As a result, this served as the basis for enriching theoretical views on the linguistic-statistical features of banking and financial terms borrowed into the Uzbek language;

the role of lexemes that determine the subjects of education in the history of the Uzbek language, the introduction of borrowed words, in particular Arabisms, the sources of the Arabic script and scientific conclusions about their cultural and educational significance were used to prepare the programs "Tadimot" "and" Mavzu "of the television and radio channel" Uzbekiston Tarihi " TV and radio companies of Uzbekistan (note from the editorial board of the TV and radio channel DUK "Manaviy-ma'rifiy va badiy eshittirishlar" of the TV and radio company "Uzbekistan" dated March 10, 2021, No. 01-14-371). As a result, the content of the materials prepared for the programs was enriched with theoretical and practical information.

**The structure and the volume of the thesis.** The thesis consists of introduction, three chapters, conclusion, list of references and appendix. The total volume of the dissertation is 162 pages.

## **СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ LIST OF PUBLISHED WORKS**

### **I бўлим (I часть; I part)**

1. Рашидова Н. Ўзбек тилида таълим соҳасига оид арабизмларнинг ўрни // Сўз санъати. – Тошкент, 2019.-№4. Б. 39-45. (10.00.00; №31)
2. Рашидова Н. Историческо-лингвистическое освещение арабизмов сферы образования в узбекском языке // Востоковедение. – Ташкент, 2020.-№1. С. 105-115. (10.00.00; №8).
3. Рашидова Н. О лингвостатистическом анализе арабизмов в сфере образования // Islom Ziyosi. –Ташкент, 2020. -№4. С.138-147. ISSN 2181-9939.

4. Рашидова Н. Лексико-семантические особенности ряда арабских однокоренных слов, связанных со сферой образования // Искусство слова. – Ташкент, 2021. -№1. С.94-104. (10.00.00; №31)
5. Рашидова Н. Таълимга оид лексемалар тезауруси // Ўзбекистонда хорижий тиллар. –Тошкент, 2021.-№1 (36). Б.39-49. ISSN 2181-8215 (online).
6. Рашидова Н. Толкование названий должностей руководящего звена в сфере среднего и высшего образования в арабском литературном языке// Хабаршы-Казахстан, 2016. -№ 3. С.122-128. ISSN 2306-7365. (УДК 811.411.21)
7. Рашидова Н. Способ словосложения, как один из способов образования терминов в сфере образования в арабском языке // Бюллетень науки и практики. –Нижеваторск, 2019. - №11 (ноябрь). С.415-419. ISSN 2414-2948. (DOI: 10.33619/2414-2948/48).
8. Rashidova N. Structural Features of the Terminology of the Education Sphere in the Arabic language // Journal of Critical Reviews.–USA, 2020. Vol: 7. Issue: 10.– P. 205-209. ISSN: 2394-5125.
9. Rashidova N. Semantics of some arabicisms expressing the subject of education // Epra international journal of Research and Development (IJRD).-India Issue 9, Volume 5. Published September,2020. – P. 45-48. ISSN: 2455-7838 (Online). (Impact Factor: 7.001).
- 10.Рашидова Н. Структурные особенности терминов-словосочетаний сферы образования в арабском литературном языке и их лексико-семантический анализ //Вторая международная студенческая конференция востоковедов и африканистов.- Санкт-Петербург, 2018.- С.26-27.
- 11.Рашидова Н. Роль заимствования в становлении терминосистемы в сфере образования в арабском языке // Таржима, ахборот, мулоқот- сиёсий ва ижтимоий кўприк. Ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари. - Самарқанд, 2018. –С. 181-182.
- 12.Рашидова Н. Способы заимствования арабизмов сферы образования в узбекском языке // Культурная жизнь в Центральной Азии и актуальные проблемы развития социально-гуманитарных наук. Международная научно-практическая конференция. -Ташкент, 2020. –С. 90-93.
- 13.Рашидова Н. Виды заимствований арабизмов сферы образования в узбекском языке // Ўзбек тилини иккинчи тил ва хорижий тил сифатида ўқитиш масалалари: муаммо, ечим, истиқболлар. Республика онлайн илмий-амалий анжкман материаллари.-Тошкент, 2020. Б.97-100.
- 14.Рашидова Н. Омонимия арабизмов сферы образования // Гуманитар фанларни ўқитишнинг замонавий йўналишлари Республика илмий-амалий онлайн конференцияси материаллари.-Тошкент, 2021. Б.125-128.

### **II бўлим (II часть; II part)**

- 15.Рашидова Н. Особенности образовательных учреждений в арабских странах и их лексико-семантический анализ // Хорижий тилларни ўқитиш самарадорлигини ошириш. Ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари

- асосида тайерланган мақолалар ва тезислар тўплами. –Тошкент, 2019. –С. 96-102.
- 16.Рашидова Н. Лексико-семантическая классификация арабизмов сферы образования в узбекском языке // Маданиятлараро мулоқотда шарқ тилларининг аҳамияти. Ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2021. С.73-77.
  - 17.Рашидова Н. Основные способы образования терминов в арабском языке в сфере образования // Шарқ тилларини ўқитишда дифференциал ёндошув ва замонавий услублар. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2016. Б.287-295.
  - 18.Рашидова Н. Тематическая классификация терминов в сфере образования в арабском языке // Шарқшунослар анжумани. -Тошкент, 2017. -№12. Б.74-78.

Автореферат был отредактирован редакцией журнала “Oltin bitiklar”.